МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 20 июль. Шанба №60 (921) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

ИСТИҚЛОЛ — БАХТ, ҲУРЛИК — САОДАТ

Истиқлол туфайли юртимиз тараққиётга юз тутди, халқимиз фаровонликка эришиб, миллатимиз равнақ топди. Не бахтки, дунё тамаддунига тамал тошини қўйган, илм-фан ва маданият бешиги — Ўзбекистон ана шундай юксак толега, улкан саодатга мустақиллик шарофати билан мушарраф бўлди.

Йигирма икки йилдирки, халқимиз қадр-қиммати, таянчи ва ифтихори — Мустақилликни кўз қорачиғидек асраб келмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Буни дунё аҳли эътироф этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, жойларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда, янги корхоналар, таълим, маданият, тиббиёт, спорт объектлари фойдаланишга топширилянти.

Республикамизда энг улуғ, энг азиз байрамимизни ана шундай катта қувонч ва ифтихор, шукроналик кайфияти билан кутиб олиш анъанага айланган. Зеро, тинчлик, осойишталик, барқарорлик, кишилар ўртасида меҳр-оқибат мустаҳкам юртга байрамлар ярашади.

Ўзбекистон бугун ўзининг юксак сиёсий мавқеи, ишлаб чиқариш салоҳияти ва барқарор иқтисодиёти билан жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари қаторига қўшилди. Бунда навқирон Навоий вилояти, шунингдек, кўҳна Хатирчи тумани аҳолисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Кейинги йилларда Хатирчи тумани улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Туманда қатор маъмурий-маиший бинолар қад ростлади, ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МАҲАЛЛА ВА МАТБУОТ: ИХТИСОСЛАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Матбуот — жамият кўзгуси. У — миллат маънавиятини ифода этувчи восита, демократиянинг амалдаги инъикоси. Шу боис унинг қудратли кучи нафақат бой тарихимиз ҳамда бугунги кун қиёфасини, балки кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида: «Жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими — буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, элюртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс», деб таъкидлади.

Бугун ҳаётнинг ўзи оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолиятини кенг ва атрофлича ёритиш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Бу эса журналистлардан соҳага ихтисослашишни, юксак касб маҳоратини ҳамда тизимга оид қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардорликни талаб этади.

> [2]

БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ

ДАСТУР ВА РЕЖАЛАР САРҲИСОБИ

Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2013 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви аъзолари, фонднинг масъул ходимлари, ҳудудий бўлимлар раислари иштирок этдилар.

Обод турмуш йилининг ўтган даври фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида долзарб воқеаларга бой бўлди. Хусусан, жорий йилнинг 22 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунлари фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтирди.

Йиғилишни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов кириш сўзи билан очар экан, жорий йилнинг 10 июль куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига эътибор қаратди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида фуқаролар йиғинларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларига юклатилди. Низомда шу йилнинг 1 сентябригача ҳудуддаги мавжуд фуқаролар йиғинларини ялпи хатловдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисобга олишни якунлаш белгилаб қўйилди.

> [2]

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ҲИСОБОТДА МУАММОЛАР ОШКОРА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Жамоатчилик назорати жамият ҳаётида ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик ва масъулиятни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис ҳозирги пайтда фуқаролар йиғинлари томонидан янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш, аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, бунинг учун соғлом рақобат муҳитини яратишга қаратилган жамоатчилик назорати изчил амалга ошириб келинмоқда.

Юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида ҳар чоракда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу тизим тобора такомиллашмоқда.

> [3]

ЭЪТИРОФ

МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ МАСЛАҲАТИ АСҚОТДИ

Муҳтарам Юртбошимиз яқинда Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифи чоғида халқимизнинг эришаётган бетимсол ютуқларида Сирдарё вилояти меҳнат аҳлининг ҳам салмоқли улуши борлигини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда чет эллик тадбиркорларнинг Сирдарё заминига қизиқиши ортмоқда. Улар бу ерда ўз бизнесларини йўлга қўйиш истагини билдиришмоқда. Шу боис ҳозирда вилоятда 80 дан зиёд қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётир.

Аҳоли орасида ўзга мамлакат фуқароларининг юртимиздаги ўзгаришлар, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга бўлган муносабатлари, борингки, ўзига хос турмуш тарзимиз борасидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиш кишига фахр-ифтихор бағишлайди.

Адем ДОГАН, (Германия):
— Гулистон шаҳридаги Улуғобод қўрғонида паррандачилик фермасини ташкил этдим. Бунинг учун 157,6 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфладим. Ишонасизми, қилинган сарф-харажатлар тезда ўзини оқлади: айни пайтда маҳаллий аҳолига тухум ва парҳезбоп гўшт етказиб беряпмиз. Ҳозирда 20 нафардан зиёд ёш фермамизда меҳнат қилмоқда. Ўзбек халқининг меҳнаткашлиги, ижро интизомига қаттиқ риоя этиши, зиммасидаги вазифага виждонан ёндашиши менда катта таассурот уйғотди. Улуғободликлар паррандачиликнинг сир-асрорларини жуда яхши билишаркан. Маҳалла аҳлининг маслаҳатлари асосида иш тутиб, кам бўлмаяпмиз.

Аҳмад МУҲАММАД, (Покистон):
— Пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимга анча бўлди. Ўзбекларнинг аҳил-иноқлиги, меҳмондўстлиги ва меҳнатсеварлигига тасанно. Корхонамиз энди иш бошлаган пайтларда ходимлар масаласи бизни анча қийнаганди. Маҳалла фаолларининг кўмаги билан ҳудуддаги касб-ҳунар коллежини тамомлаган 8 нафар йигитни ишга қабул қилдик.

Жорий йилнинг охирига қадар фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирдик. Бунинг учун хориждан дастгоҳлар келтиряпмиз. Энг муҳими, пойабзал, чарм маҳсулотлари хомашёси — тери маҳалладаги ҳар бир хонадонда мавжудлиги эътиборимни тортди. Ҳозирда хомашёни тўлиқ шу ердан оляпмиз.

Туманда фаолият олиб бораётган хитойлик Джи Кюхай, Гонг Руизхе, Хе Сонгкуан каби тадбиркорлар ҳудудда ўзларига яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканликлари, айниқса, ўз бизнесларини янада ривожлантириш учун юртимизда қулай инвестициявий муҳит мавжудлигидан мамнун.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Кейинги йилларда Нурота туманида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Чашма» тарихий мажмуаси тўлиқ қайта таъмирланди, зиёратгоҳ қаршисида хушманзара «Миллий боғ» барпо этилди, қатор маъмурий-маиший бинолар қад ростлади, вилоятдаги учинчи турдош корхона — «Nurota textil» ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Нурота шаҳрида иккита савдо ва битта умумий овқатланиш мажмуасини қуриш режалаштирилган. Бу иншоотлар айнан байрам кунларида фойдаланишга топширилади.

Туманимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилянти. Жорий йилда шу йўналишда тижорат банклари томонидан бериладиган кредит маблағлари ҳажмини 1,3 миллиард сўмгача ошириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунга қадар молия муассасалари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва ўз бизнесини йўлга қўяётган йигит-қизлар ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда қўл келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида туманимизда 2086 та янги иш ўрни яратилди.

Халқнинг турмуш даражаси, фаровонлиги нафақат унинг иш билан бандлиги ва даромади, балки яшаш шароити билан ҳам белгиланади. Бутун мамлакатимиздаги каби, туманимизда ҳам намунали лойиҳа асосидаги уй-жойлар бунёд этилиб, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга омил бўлаётир. Жорий йилда Саиджон Эшон массивидаги 15 та ва Ғозғондаги 15 та намунали лойиҳа асосида қурилган уй-жой ўз эгаларига топширилади.

Энг улуғ, энг азиз айёмимиз арафасида ҳудудимизда 25,5 километр узунликда ички ва халқаро аҳамиятга молик йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви қувурлари ҳолатини яхшилаш устида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, қутлуғ сана олдидан туманимиз марказида замон талаблари даражасидаги 2 та спорт мажмуаси фойдаланишга топширилади, 22- ва 23-мактабларнинг қурилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишлари якунига етказилади.

Қувонарли жиҳати 6-умумтаълим мактабида замонавий спорт зали қуриб битказилади. Эрта баҳорда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан 10 миллион сўм маблағ ажратилиб, мавжуд 32 та фуқаролар йиғинига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари олиб берилди. Йиғинлар томонидан марказий кўчалар ва зиёратгоҳларга гул кўчатлари ўтказилди. Айниқса, «Шаҳристон», «Эшони Судур» ҳамда Алишер Навоий номли маҳаллалар, Чуя ҚФЙ ҳудудларида манзарали дарахтлар ўтказиш яхши йўлга қўйилиб, истиқлолнинг 22 йиллигига бағишлаб боғ-роғлар барпо этилди.

Оққула қишлоғида «Навоийазот» ОАЖ томонидан 2 гектар майдонда саноат усулидаги паррандачилик фабрикаси барпо этилянти. Бундан кўзланган мақсад, маҳаллий аҳоли учун ишчи ўринлари яратиш ҳамда ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришдан иборатдир.

Тўйқул ҚОБИЛОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Нурота тумани бўлинмаси раиси.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Намунали фаолият — юксак марралар гарови

Товулди Балиқчи туманининг шинам ва кўркам маҳаллаларидан. У Олтинкўл ва Избоскан туманлари оралиғида жойлашган. Шунинг учунми, балиқчиликлар қўшни ҳудудлардаги янгиликларни Товулдидан эшитишади. Томорқадан унумли фойдаланиб, кафтдай ерни ҳам жаннатга айлантирган меҳнаткаш кишилар шу ерда яшашади. Бир-бири билан аҳил-иноқ, ҳар бир ишда елкадош.

Буни қарангки, ана шу маҳалланинг маслаҳатчиси Гулсара Ҳакимова «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли 3-ўринга лойиқ топилди. Бу нафақат «Товулди» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, балки жамики маҳалла аҳли, туман зиёлилари учун катта шарафдир.

Ҳар бир муваффақият замирида тинимсиз меҳнат, изланиш ётади. Гулсара Ҳакимованинг меҳнат фаолиятидаги ўзига хос тажрибаси ёрдамида бу муваффаққиятни қўлга киритгани барчани бирдек қизиқтириши, табиий.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАҲАЛЛА ВА МАТБУОТ: ИХТИСОСЛАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

< [1]

Пойтахтимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги 51-сонли баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида «Маҳалла институтининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни» мавзусида икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар, ҳуқуқшунослар таъкидлаганларидек, кўп асрлик тарихни ўзида мужассам этган, фақат истиқлол туфайли кўплаб ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган маҳалла институти фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш миллий бошқарув тизимининг янада равнақ топишига хизмат қилади.

— Ушбу ўқув-семинарни ташкил этишдан мақсад маҳалла фуқаролар йиғинларининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва нуфузини журналистларга тушунтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини, ташкилий-ҳуқуқий асосларини ёритиш бўйича уларнинг билим ва кўникмаларини янада оширишдан иборат, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи Учқун Маҳмудов. — Хусусан, семинарда Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган медиа тузилмалар ходимларига маҳалла институти фаолияти билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш юзасидан тавсиялар берилиб, соҳага доир таҳлилий мақолалар тайёрлашда уларнинг ижодий малакасини оширишга эътибор қаратилди.

Чунончи, демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида алоҳида боб ва модда ОАВга бағишланиб, уларнинг эркинлиги ҳамда цензурага йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Шунингдек, соҳага оид ўнга яқин қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, уларнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлашда дастуриламал бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласининг энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида тилга олингани, тизимга дахлдор янги қонунлар қабул қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам матбуот ривожига хизмат қилаётир.

Бугунги глобаллашув даврида тараққиётни, умуман, ижтимоий ҳаётни ахборотсиз тасаввур қила олмаймиз. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари кишилар онгу шуури, дунёқарашини бойитиш, сиёсий савияси, ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Муҳими, фуқаролик жамиятининг шаклланишида миллий матбуотимизнинг ўз ўрни, мавқеи борлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу билан бирга, ОАВ шунчаки ахборотни етказувчи восита бўлиб қолмай, юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллигини оширишга таъсир кўрсатувчи қудратли кучга айланмоқда.

— Замонавий журналистикада ихтисослашув муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети кафедра мудири Назира Тошпўлатова. — Боиси, журналист барча соҳани ҳам бирдек мукаммал эгаллай олмайди. Унинг баъзи бир йўналишда тайёрлаган материали таъсирчан, ўқишли бўлса, бошқа тизимдан ёзган ижод маҳсули муваффақиятли чиқмаслиги мумкин. Бу касб соҳиби ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни, ютуғу камчиликларни ҳаққоний ва холисона ёрита олсагина, унинг мақолалари ижтимоий аҳамиятга эга бўлади, мухлислар томонидан қизғин кутиб олинади.

Бинобарин, «ахборот асри» шиддати оммавий ахборот воситалари олдига шундай залворли вазифаларни қўймоқдаки, уларни уддалаш соҳа ходимларидан чуқур, бой дунёқараш ва юқори касбий малакани тақозо қилаётир. Шу боис журналистларнинг маҳорати ва касб кўникмаларини ошириш, уларда қатъий фуқаролик позицияси, ўз ишига масъулият билан ёндашиш ҳиссини шакллантириш, муайян соҳага ихтисослаштириш бугунги кунниг долзарб масалаларидандир. Айниқса, фуқаролар йиғинлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, маҳаллалар ободлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишда қалам аҳлининг билими, кучи ва маҳоратидан унумли фойдаланиш зарур.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган оммавий ахборот воситалари бугунги кунда жамоатчилик фикрини ифода этадиган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада демократлаштириш йўлида ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши, ҳар бир фуқаро Ватан тақдири учун ўз масъуллигини ҳис этган ҳолда эл-юртимизнинг янада равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшишга интилишига кўмаклашиши лозим.

— Анжуманда иштирок этиб, соҳага доир билимларимни янада мустаҳкамлаб олдим, — дейди «Андижоннома» газетаси мухбири Отабек Умаров. — Айниқса, маҳалланинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги вазифалари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва масъулияти, йиғинларни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантириш, фуқаролар йиғинлари фаолиятини услубий қўллаб-қувватлашда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ўрни ҳақидаги маърузалар тизимга доир туркум мақолалар ёзишда менга дастур вазифасини ўтайди.

Ўқув-семинарда журналистларга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрири, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, семинарда оммавий ахборот воситалари вакиллари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат ва вазифалари ҳамда улар фаолиятини ташкил этиш, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги доимий комиссиялар фаолияти, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ҳамда «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги, «Ота-оналар университети», ижтимоий шериклик масалаларида маҳалланинг вазифалари хусусидаги билим ва кўникмаларини оширишди.

Семинарда берилган назарий билимларни мустаҳкамлаш учун журналистларнинг пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинига ташрифи уюштирилди. Бу ерда улар маҳалла раиси, маслаҳатчи, масъул котиб, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори ҳамда йиғин ҳузуридаги комиссиялар аъзолари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг илғор иш тажрибалари, фаолияти билан яқиндан танишдилар. Маҳаллада амалга оширилаётган улкан ободончилик ишлари уларни бефарқ қолдирмади.

Журналистлар семинарда олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид турли жанрдаги мавзу ва йўналишларда мақолалар ҳам тайёрлашди.

Икки кун давом этган ўқув назария билан амалиёт уйғунлигида, интерфаол усулда, қизғин баҳс-мунозарага бой тарзда ўтди.

Ўқув-семинарнинг иккинчи давраси жорий йилнинг 24-25 июль кунлари бўлиб ўтади. Унда Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келган журналистлар иштирок этишади.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ

ДАСТУР ВА РЕЖАЛАР САРҲИСОБИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш учун ҳудудий бўлим ва бўлинмалар раислари шахсан масъул экани йиғилиш иштирокчиларига таъкидлаб ўтилди.

Ўтган давр мобайнида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди, — дея сўзида давом этди Фоннинг республика бошқаруви раиси. — Хусусан, ҳисобот даврида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан юртимиздаги 49 та олий таълим муассасасида бакалавр босқичида таълим олаётган жисмоний имконияти чекланган ҳамда боқувчисини йўқотган талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 144,3 млн. сўмлик ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди. Шунингдек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида таълим олаётган 22 нафар имконияти чекланган иқтидорли ўқувчи ва талабага замонавий компьютер жамланмалари ҳадя қилинди. Ушбу мақсадларга 94,3 млн. сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида 245 та кам таъминланган оила фарзандларини бепул ёзги оромгоҳларга жўнатиш учун Фонд маблағлари ҳисобидан 157,5 млн. сўм сарфланди.

Фонд тузилмалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож 232 та ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказилишига кўмаклашилди, 89 та кам таъминланган оилага маиший техника воситалари, 204 тасига эса бир бошдан қорамол ҳадя этилди. Ушбу мақсадларга 19,7 млн. сўм маблағ сарфланди.

Бошқарув йиғилишида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги 51-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастури ижроси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2012-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат режаси ижроси юзасидан ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Юксак малакали, катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла мутасаддиларининг замонавий биноларда фаолият олиб бориши учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари кўмаги билан ҳисобот даврида 191 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди. 68 та бино маҳалла фуқаролар йиғини балансига ўтказиб берилди. 551 фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 524 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Республика бўйича жами 32 та янги маҳалла гузари ташкил қилинди. Шунингдек, республикамиз маҳаллаларида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 134 та болалар майдончаси барпо этилиб, 485 таси қайта таъмирланди, 849 таси эса ободонлаштирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ва туман (шаҳар)лар миқёсида маҳаллаларда фуқароларнинг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигига ижобий таъсир этувчи тадбирларни ташкил этишда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий кўмак берилди.

Умумхалқ байрамлари ва шонли саналарда маънавий-маърифий, бадиий-маданий тадбирлар, учрашувлар ташкил этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш мақсадида жорий йилнинг 6 ойи давомида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан 2300 та маданий-маърифий тадбир, учрашув ташкил этилди. 28,4 минг нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилишига кўмаклашилди. Ушбу мақсадларга 175,4 млн. сўм маблағ сарфланди.

Маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёлғиз қариялар, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан 23 нафар жисмоний имконияти чекланган кишига ногиронлик аравачаси, 22 нафарига қўлтиқтаёқ, 24 нафарига эшитиш мосламаси, 9 нафарига ҳасса, 15 нафарига протез ортопедия маҳсулотлари олиб берилди. Ушбу мақсадлар учун Фонд ҳисобидан 18,4 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларидаги 500 нафарга яқин тарбияланувчиларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга «Маҳалла мурувватти» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган 202,2 млн. сўмлик кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ҳадя этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури, Фонд иш режаси ва бошқа дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган 6 ой мобайнида жами 35 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, шундан салкам 8 миллиард сўмга яқини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, 27 миллиард сўмдан ортиғи эса, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилгани мажлис қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда айрим ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан ижро интизоми, қуйи тузилмалар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторингни амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди. Уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бошқарув йиғилиши кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан фоннинг вилоятлар бўлимлари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажаришда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш, фоннинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларида хат ва ҳужжатлар билан ишлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўришда қонунчилик нормаларига қатъий амал қилиш, фонд тизимида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қизғин мунозараларга бой, ишчан ва танқидий руҳда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Т.НОСИРОВ
«Mahalla»

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг бориши ва унинг ёритилишида ОАВнинг вазифаларига бағишланган он-лайн анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, жорий йилнинг 20 мартида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида» Президентимизнинг Фармойиши қабул қилинган. Тадбирнинг асосий мақсади мазкур фармойиш ижросининг бориши, шунингдек, соҳага доир махсус интернет-сайт очилиши, ахборот олишнинг янги имкониятлари яратилгани ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, ҳуқуқий экспериментни ўтказиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Матбуот анжуманида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий экспериментни ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида ушбу икки вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида ахборот фойдаланувчилари учун янги, қулай шарт-шароитлар ҳуқуқий тартибда ташкил этилгани таъкидланди. Хусусан, қонун лойиҳасида белгиланган ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилди. Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш мақсадлари, вазифалари ва қоидалари тўғрисида Бухоро, Самарқанд вилоятлари, шаҳар ҳамда туманлар ҳокимликлари, давлат органларининг ахборот хизматлари ва ОАВ ходимлари учун алоҳида семинар-тренинглар, 120 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Мазкур масала юзасидан олиб борилган тарғибот ишларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари фаол иштирок этишди.

Ўз фаолияти ҳақидаги ахборотнинг очиқлиги, ошкоралиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, экспериментнинг самарадорлигига доир маълумотлар ва эксперимент ўтказиш субъектлари фаолиятини фойдаланувчилар томонидан баҳолаш бўйича социологик тадқиқотлар фаол амалга оширилмоқда. Сўзга чиққанлар ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган ҳудудларда фуқароларнинг сиёсий ва ахборот олиш фаоллиги ошганини эътироф этишди. Бухоро, Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёзма ҳамда оғзаки мурожаатлар сони кўпайиб бораётгани кузатилди. Давлат органлари томонидан келган сўровларга нисбатан масъулиятнинг кучайиши ва ушбу фаолиятнинг самарадорлиги ошиши натижасида жорий йилнинг иккинчи чораги давомида ҳар икки вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига келиб тушган мурожаатлар сони биринчи чоракка қараганда икки маротаба ортиб, Самарқанд вилоятида 1514 та, Бухоро вилоятида эса 1230 тани ташкил этди.

Қонун лойиҳаси юзасидан эксперимент ўтказиш тартиб-таомиллари, унинг нормаларини моддама-модда муҳокама қилиш жараёни тўғрисида жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб бориш, журналистлар ўзларини қизиқтираётган саволларни бевосита эксперимент ўтказиш субъектлари раҳбарларига йўллаш, ишчи комиссия аъзолари ва экспертларнинг ўзаро тезкор ахборот алмашиши имконини берадиган ихтисослаштирилган интернет-ресурс яратилгани ҳақида ҳам анжуманда алоҳида сўз юритилди. Шунингдек, иштирокчиларга ҳуқуқий экспериментнинг махсус веб-сайти орқали ОАВни аккредитациядан ўтказиш тартиби ҳамда ҳуқуқий экспериментнинг бориши ҳақидаги долзарб ва тезкор ахборотларни, хусусан, аккредитациядан ўтган ОАВ томонидан эълон қилинадиган барча ахборот материаллари, ҳуқуқий эксперимент қатнашчиларининг ахборотларини олишдаги имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбирда ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент самарадорлигини таъминлаш, уни амалга ошириш жараёни тўғрисида фуқароларга тўлақонли ва ўз вақтида ахборот етказиш, қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштириш бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг таклиф-мулоҳазаларини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эгалиги қайд этилди. Айни пайтда Бухоро вилоятида 41 та ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Шундан 36 таси босма, 5 таси электрон ОАВдир. Самарқанд вилоятида мазкур кўрсаткич бугунги кунда 59 тани ташкил этиб, унинг 54 таси босма, 5 таси электрон ОАВдир. Шу кунга қадар улар томонидан ҳуқуқий экспериментнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган 200 дан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Анжуманда ОАВ томонидан ҳуқуқий эксперимент доирасида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини кенг ёритиш, улар ишининг шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсат ҳақида хабардорлигини ошириш бўйича масъулиятни янада кучайтириш, давлат органлари фаолияти ҳақидаги холис ва ҳаққоний ахборотларни аҳолининг турли қатламларига етказиш жараёнида журналист масъулияти ҳамда унинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим масалалардан экани қайд этилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди. Айниқса, идораларнинг интернет тармоғидаги веб-сайтларини такомиллаштириш ва уларга жойлаштирилаётган маълумотларни қонун ҳужжатларида кўзда тутилган муддатларда янгилаб боришни таъминлаш, ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган матбуот анжуманлари, брифинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш борасидаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш даркор.

Матбуот анжумани сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

ИСТИҚЛОЛ — БАХТ, ҲУРЛИК — САОДАТ

< [1]

Туманимизда намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар бунёд этилаётгани қишлоқ инфратузилмаси ривожида муҳим омил бўлаётир. Хусусан, Обод турмуш йилида Қайиш ҳамда Тамабаҳрин массивида 20 тадан, Галабек ва Янги массивда 10 тадан намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларнинг калитлари ўз эгаларига топширилди.

Ушбу турар-жойлар ёш оилаларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка бўйича ипотека кредитлари асосида 15 йил муддатга берилмоқда. Янги уй-жойларда қулай яшаш шароитини таъминлаш, рўзғорга керакли жиҳозларни харид қилиш учун 20 тадан зиёд ёш оила имтиёзли кредитлар билан таъминланди.

Аҳолининг турмуш даражаси нафақат инсонларнинг фойдали меҳнат билан бандлиги ва даромади, балки яшаш шароити билан ҳам белгиланишини яхши англаган хатирчиликлар бор куч-ғайратини эзгу мақсадларга сафарбар этмоқдалар.

Туман бўйича ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги 93 та оила 110 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари билан таъминлангани натижасида хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кенгайиб, янги иш ўринлари ташкил этилди.

Саноат ривожида кичик бир имтиёз ҳам катта самара келтириши тайин. Айниқса, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётганлар учун бу жуда муҳим. Шу боис бўлинмамиз ва фуқаролар йиғинлари билан биргаликда оилаларни касаначиликка, тикиш-бичиш ишларига жалб этяпмиз. Бу билан нафақат хотин-қизларни иш билан таъминлаш, балки оилалар даромадини янада оширишга эришяпмиз.

Туманда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларда бўлинмамиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Хонақа ва Янгиработ қишлоқ фуқаролар йиғини, «Хўжақулобод» ҳамда «Чечак ота» маҳалла фуқаролар йиғини биноларини миллий ва замонавий меъморчилик андозалари асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қувонарлиси, маҳалла гузарларига туташ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам иш бошлагани ҳудудлар аҳолиси учун қулайлик яратди.

Бўлинмамиз томонидан бешта маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси олиб берилди, 11 та маҳаллага ўз хизмат биноларини таъмирлаши учун тегишли маблағ ажратилди. Шунингдек, 15 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол, 111 нафар эҳтиёжманд фуқарога тегишли миқдорда моддий ёрдам берилди.

Ҳудудлар инфратузилмасини янада ривожлантириш масаласи доимий эътиборимизда. Айни пайтда туман марказида 8.4 км. узунликда ички йўлларни таъмирлаш, 10 км. масофадаги ичимлик суви тармоқларини янгилаш ишлари авжида. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига «Чечак ота», «Боғишамол» ва уларга ёндош учта маҳалла ҳудудига 10 км.га яқин масофадан тоза ичимлик суви қувури тортилди. Бу йиғинлар аҳли учун энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 22 йиллигига муносиб туҳфа бўлади.

Бир сўз билан айтганда, туманимизда ораста ҳудудлар, файзиёб масканлар, кўркам ғўшалар сони кун сайин кўпайиб боряпти. Шунинг баробарида, аҳолининг турмуши тобора обод бўлиб, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Бу эса истиқлолни бахт, ҳурликни саодат билган хатирчиликларни нурли манзиллар сари чорлаётир.

Жаҳонгир ҚОДИРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хатирчи тумани бўлинмаси раиси.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ҲИСОБОТДА МУАММОЛАР ОШКОРА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги 160 дан зиёд фуқаролар йиғинларида туман (шаҳар) ҳокимларининг 1590 марта ҳисоботи эшитилган. Натижада ҳудудлардаги мавжуд муаммолар ўз вақтида бартараф этилган. Вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари, тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар раҳбарларининг маҳаллаларда ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилиши туфайли аҳоли саломатлиги йил сайин мустаҳкамланиб бораётир.

— Вилоятда 263 та қишлоқ врачлик пункти ҳамда 40 та кўп тармоқли поликлиника фаолият юритмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси Зулхумор Жўраева. — Жорий йилнинг ўтган даврида 998 та фуқаролар йиғинида тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Шунингдек, таълим муассасалари раҳбарларининг ҳам маҳаллаларда 2020 марта ҳисоботлари тингланди. Жамоатчилик назорати кўринишидаги бу каби ҳисоботлар маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, ҳудуд ободлиги бўйича муаммоларни ҳал этиш, ўқувчилар давомати, уларнинг назоратсизлигининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамоатчилик назоратини ташкил этишда, аввало, жамоатчилик вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий савиясини юксалтириш лозим. Ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Бошқача айтганда, кишилар қонунлардан хабардор бўлиши лозим.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири амалиётга татбиқ этилиб, унинг деярли барча моддаларининг мазмунига тузатишлар киритилгани ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият йўналишидаги ваколатлари аниқлаштирилгани айни муддао бўлди.

Мазкур қонунга киритилган янги нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштиришга, жумладан, уларнинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш соҳасидаги ваколат ва вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларига тегишли ҳудудда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби қўшимча ваколатлар берилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ва кафолатлари ҳам ўз ифодасини топди.

— Яқинда маҳалламизда туманимиз ҳокимининг ҳисоботини тингладик, — дейди Пискент туманидаги «Муминобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Каримов. — Унда ҳокимлик масъул ходимлари ва маҳалламиз фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Йиғилишда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, аҳолини ўйлантираётган муаммолар, ҳудудларни ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди. Ўтган даврдаги ҳисоботларда маҳалламиздаги учта кўчани асфальтлаш масаласи кун тартибига киритилганди. Бу галги ҳисоботда маҳалламизда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоси ўртага ташланди. Мазкур масалалар қисқа фурсатда ҳал этилди. Бугун Ўвайсий, Ҳамид Олимжон кўчаларига янги сув насослари ўрнатилди. Шунингдек, ҳудудлари Ёшлар миллий боғидаги сув тармоқлари яхшиланган боис фаввора ҳам ишга туширилди. Эътиборлиси, бу саъй-ҳаракатлар орқали элликдан ортиқ хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Хуллас, жамоатчилик назоратини амалга оширилиши маҳаллалардаги муаммолар ечимида, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда, қолаверса, ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иброҳим БЕК
«Mahalla»

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

ОГОҲЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

— Бу ҳудудга фақат махсус рухсатнома билан кирилади. Узр, хизматчилик, — деди посбон нотаниш тракторчига ва у қайтиб кетгунича жойидан жилмай кузатиб турди. Хотиржам бўлгач, ҳар кунги одати бўйича чегара ҳудудларида белгиланган манзиллар бўйлаб аста одимлаб кетди.

Шовот туманидаги «Қангли» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Музаффар Бобожонов ҳамиша сергак, ҳушёр. У посбонлик қилаётган маҳалла ҳудуди қўшни давлат чегараси билан туташлиги масъулиятни янада оширади. Бундан икки йил муқаддам товар-моддий бойликларни олиб ўтишга уринаётган бир гуруҳ жиноятчиларнинг қўлга олинишига Музаффарнинг ҳушёрлиги ва зийраклиги сабаб бўлганди.

Бир гал маҳалла ҳудудида жойлашган божхона ёнида тўхтаган автобусдан икки нафар киши тушиб, енгил автомашинага ўтирар-ўтирмас тезликни оширишди. Музаффар ва шериклари уларни қувиб етиб, текширишганида ёнидан гиёҳвандлик моддалари топилди.

— Қишлоғимизда ўн икки мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди Қангли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жумамурод Паноев. — Хонадонлар осойишталиги, ободлиги ва фаровонлигини таъминлашда Музаффарнинг хизмати катта. Унга посбонлар Умарбек Рўзиматов, Аҳмаджон Ражабов яқин кўмакдош. Айниқса, тунги навбатчиликнинг йўлга қўйилгани яхши самара беряпти.

Кўпгина муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда. Ҳудуд туман марказидан узоқда жойлашгани боис, яқинда автобус қатнови йўлга қўйилди. Дори-дармонларга бўлган талабни маҳалланинг ўзида қондириш мақсадида қурилган дорихона кеча-кундуз аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Вояга етмаганлар билан шуғулланиш алоҳида диққат-эътиборда. Ўтган йил ва жорий йилнинг олти ойи давомида ҳудудда бирорта жиноятчилик қайд этилмади.

Аҳолининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасига, ички ишлар идоралари ходимларига ишончи мустаҳкам. Посбонлар сардори Музаффар Бобожонов, нозир Жўрабек Қурбонбоев маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда ҳудуднинг обод ва кўркам бўлишини таъминлаш устида иш олиб бормоқда.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

ЗАМОНАВИЙЛИК — ҚУЛАЙЛИК ВА КЎРКАМЛИКДА

Гузарнинг очилиш маросимига айтилган вақтдан анча аввал йўлга чиқдик. Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини аҳлининг ҳайрати ва мамнунлигига сабаб бўлаётган бинони кўриш завқи ортарди бизда.

Маҳаллага етиб боргач, тумонат одам тўпланганини кўриб, барча биз каби йиғин биносини кўриш иштиёқида эканлигини англадик.

Маросимга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Учтепа тумани бўлинмаси ҳамда тумандаги барча фуқаролар йиғини фаоллари, ОАВ вакиллари, маҳалла аҳли йиғилган. Қувонарлиси, Учтепадаги маҳаллаларнинг бирортаси тадбирга «қуруқ қўл» билан келмаган: йиғин биноси атрофи фуқаролар йиғинлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳалар, уларда фаолият юритаётган зардўзлик, тикувчилик, наққошлик, тоштарошлик каби миллий ҳунармандчилик намуналари билан тўлиб-тошган.

Маҳалла фуқаролар йиғини биноси олдида ўзбек романчилигининг асосчиси, таниқли адиб Абдулла Қодирийнинг ўйчан қиёфаси акс этган бюсти қўр тўкиб, йиғин аҳлини маърифатга, эзгуликка чорлаб турибди.

Йиғиннинг аввалги биноси унчалик кўзга ташланмас, хоналари таъмирталаб эди. Бунинг устига йиғин раиси ва маслаҳатчиси бир жойда ўтиришарди. Капитал таъмирдан чиқарилиб, кенгайтирилган янги маҳалла фуқаролар йиғини эса 6 та хонадан иборат. Раис, маслаҳатчи, масъул котиб учун алоҳида хоналар ажратилган. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори ҳамда ҳудуд профилактика нозирининг хонаси ёнма-ён жойлашган. Бу ҳудудда турли салбий таъсирларнинг олдини олишда ҳамжиҳатлик билан иш тутишнинг белгиси, албатта. Энди маҳалла мутасаддиларининг «Йиғилишни қаерда ўтказсак экан?» деган ҳадиги барҳам топди. Кенг ва шинам мажлислар залида фуқаролар йиғини фаоллари учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳар бир хона замонавий техника ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминланган.

— Илгари йиғин раиси билан бир хонада ўтирардик, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожиой Соипова. — Табиийки, турли масалалар бўйича ёрдам сўраб келган аёллар дардини айтишга хижолат бўлар, мен вазиятни тушунган ҳолда бафуржа гаплашишга жой излаб, қийналардим. Энди олдингидай қисиниб-қимтиниб ишлашга ҳожат қолмади: ёруғ ва шинам хоналарда иштиёқ билан фаолият олиб борамиз.

Фуқаролар йиғини биносидан гузар ҳовлисига чиқилади. Шунингдек, бу ерга кириш учун қўшимча дарвоза ҳам мавжуд. Айвонлар қаторига яна учта айвонча

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

қўшилди. Ҳовлидаги ҳовуз салқинликни таъминласа, фавворалар кишига ҳузур бағишлайди. Анвойи гулларни айтмайсизми?! Айни ёз палласида бу ерда маҳалла аҳли ишдан кейин ҳордиқ чиқаради.

— Гузарда маросимлар ўтказиладиган жой фойдаланишга топширилиши натижасида 20 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланади, — дейди Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мансур Йўлдошев. — Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг тўй ва тадбирлари бепул, камхарж ҳолда ўтказилади.

Йиғин фаоли Муборак Юсупованинг айтишича, янги бино маҳалла аҳли учун Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди. Қолаверса, аҳоли ва маҳалла маблағлари асосида қайта қурилган гузар энди дам оладиган, маърака ва маросимларни ўтказадиган масканга айланди. Маҳалладошларнинг фалон пул сарфлаб, қимматбаҳо кафе ва ресторанларни ижарага олишига ҳожат қолмади. Бу ортиқча дабдабабозлик ва сарф-харажатларга ҳам чек қўяди.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

ИСТЕЪМОЛЧИ БУРЧАГИ

МУРОЖААТЛАР — ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ИФОДАСИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Аҳоли мурожаатларини маълум маънода жамият ҳаётининг кўзгусига қиёслаш мумкин. Зотан, улар ортида инсоннинг турмуш ташвишлари, орзу-мақсадлари, келажакка интилиб яшаши билан боғлиқ ўй-фикрлар, муаммо ва талаблар жамланади.

Шундай мурожаатлардан бири Андижон вилоятидаги истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол этилгани билан боғлиқ. Гап шундаки, шаҳарнинг «3-кичик даҳа — Эски шаҳар йўналиши» бўйича 56-сонли йўналишда қатновчи «Шоҳ транс» МЧЖга қарашли «Дамас» автомашиналарида йўл кира нархи асоссиз равишда оширилган. Йўловчилар 500 сўм ўрнига 1000 сўмдан йўл ҳақи тўлашга мажбур бўлишган. Мазкур муаммо юзасидан аҳолининг Қўмита вилоят бошқармасига қилган мурожаати ўрганилиб, ушбу ҳаракатлар ноқонуний, деб топилди. Тегишли комиссия қарори билан транспорт уюшмасига аниқланган камчиликни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан кўрсатма берилди. Йўловчилардан асоссиз олинган 624,0 минг сўм ундирилди. Бу мисолдан билиш мумкинки, аҳоли ўз ҳақ-ҳуқуқини теран англамоқда, истеъмолчи маданияти ошиб бораётир.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталганда, аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг қамровли тарғибот тадбирларини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, Қўмита ва унинг ҳудудий органларига фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар сони 2013 йилнинг 1 ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайган. Бу эса аҳолининг ҳуқуқий маданиятининг юксалаётгани, ўзини ўзи тартибга солувчи механизмларнинг фаоллашгани ҳамда фуқароларнинг ваколатли давлат органларига ишончи ортаётганидан далолатдир.

— Қўмита ва унинг ҳудудий органларига ёзма мурожаатларнинг 65,5 фоизи коммунал соҳасига, 15,6 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 6,1 фоизи транспорт, алоқа ва коммуникация ҳамда 12,8 фоизи бошқа соҳаларга тўғри келади, — дейди Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Азимов. — Шу боис тарғибот ишлари билан бирга, коммунал хизматлари кўрсатувчи ташкилот ва маҳаллий ҳокимликларга ўз сайтларига истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, ўз мажбуриятларини бажармаслик оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш таклиф этилди.

Юқорида қайд қилинган ҳолатларнинг олдини олиш ва истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, истеъмолчилар учун коммунал соҳада муаммо юзага келганда мурожаат этиш механизмлари тўғрисида 815 та махсус плакат тайёрланиб, барча коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг кириш қисмига ўрнатилди. Газ ва электр таъминоти корхоналарида истеъмолчилар учун қабул кунлари ташкил этилди. Жорий йил июль ойининг дастлабки декадасида республика бўйича туман газ таъминоти ва электр тармоқлари корхоналарида 1000 дан зиёд истеъмолчи қабул қилиниб, 5,7 млн. сўмдан ортиқ маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисобкитоб қилинди.

Қўмита истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада жонлантириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари билан бир қаторда мажбуриятларини ҳам ўз вақтида бажаришни йўлга қўйиш бўйича тегишли вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни давом эттирмоқда.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТ — ЮКСАК МАРРАЛАР ГАРОВИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Қаҳрамонимизнинг иш услубидаги айрим жиҳатлар эътиборимизни тортди. Асли касби муҳандис-гидротехник бўлган Гулсара ўзининг қарийб 10 йиллик маслаҳатчилик фаолиятида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий масалаларда маҳалла зиёлилари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Турсуной Қорақулова, Нодира Комилова, Дилбар Холмирзаева каби йиғин фаоллари билан ҳамиша бамаслаҳат иш олиб боради.

Шунингдек, ўзининг билимини мунтазам ошириб, изланади, ўқиб-ўрганади. «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этишида ҳам унинг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар бўйича пухта билимга эга экани муҳим аҳамият касб этди.

Маҳалла аёллари ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан Гулсара Ҳакимовага мурожаат қилиб, муаммоларига ижобий ечим, жўяли жавоб топа оладилар.

— Хотин-қизларнинг бахти бу, аввало, оиланинг, қолаверса, маҳалла ва жамиятнинг саодатидир, — дейди «Товулди» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Г.Ҳакимова. — Шунинг учун ҳам уларга ижтимоий, маънавий, психологик масалаларда ҳақиқий кўмакчи бўлишга интиламан. Маҳалла манфаати учун бор кучгайратимни сарфлаб, қилган камтарона ишларимдан завқ оламан.

Гулсара Ҳакимова йиғин ҳузуридаги доимий комиссиялар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб, маҳалла раиси Нуриддин Мамадалиев билан ҳамкорликда улар ишини доимий назорат қилиб боради. Режадаги масала ва вазифаларнинг ижросини таъминламагунча тинчимайди. Унинг бу жонкуярлиги маҳалла осойишталиги, тотувлигида асқотмоқда. Шу боис ҳудудда 8 йилдан буён хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, салбий таъсирларга мойиллик ҳолатлари қайд этилмади.

— Мен ҳам шу ҳудудда туғилганман, Гулсарахонни яхши биламан, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ҳафизахон Каримова. — У янги қабул қилинаётган қонун ва қарорлар моҳиятини аҳолига тушунтириб беришимизни сўраб, ҳар ойда кўплаб ҳуқуқий саводхонлик тадбирларини ташкил этади.

Г.Ҳакимованинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш борасидаги тушунтириш-тарғибот ишларидаги иштироки туфайли бугун маҳаллада ишбилармонларнинг сони 50 дан ошиб кетди.

Бир сўз билан айтганда, намунали фаолиятгина кишини муваффақиятлар сари бошлаши мумкин. Фидойи маслаҳатчининг юрт равнақи, халқ манфаати йўлидаги самарали саъй-ҳаракатлари улкан шижоат билан давом этаверади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ЯРАШТИРИШ ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИКНИНГ МЕЗОНИДИР

Тошкент шаҳри Учтепа тумани Алихон Тўра Соғуний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини пойтахтимиздаги файзли манзиллардан саналади. Бу шубҳасиз, маҳалла масъуллари, қолаверса, фуқаролар йиғини қошидаги жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган доимий комиссиялар аъзоларининг хайрли ишлардаги фаоллигидандир.

Болапарвар халқимизда: «Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа», деган нақл бор. Шу маънода оила — маҳалланинг жон томири. Унинг ҳам ўзига хос ўрни, «қилиғи», қолаверса, қувончу ташвишлари бор. Айни шулар билан қизиқиш, муаммоларини ҳал этиш, аҳолининг тинч ва тотув яшашини таъминлаш, қуни-қўшнилар, қариндошлар ва баъзи оилалардаги келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадини кўзлаган Яраштириш комиссияси йиғин қошидаги энг пешқадам комиссия саналади.

— Маҳалламизда беш ярим мингдан зиёд оила 46 та кўпқаватли уйда истиқомат қилади, — деди мазкур йиғин раиси Аловхон Сиддиқалиев. — Шунинг учун ҳам идорамиз доимо одамлар билан гавжум. Маънавий-маърифий кечалар ва бошқа тадбирлар ўтказилганда кўпқаватли уйлардан вакиллар қатнашишини алоҳида назоратга олганмиз. Комиссиялар йиғилишларида аъзоларнинг барчаси иштирок этиши муаммоларга ечим топишда қўл келаётир.

Жорий йилда фуқаролар йиғини томонидан битта оилага ажрим учун тавсифнома берилган бўлса, яна учта оиладаги маънавий-ижтимоий муҳит ўрганилмоқда. Бу оила вакилларининг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашилиб, оила муқаддаслиги, фарзандларининг келажагига бефарқ бўлмаслик ҳақида тушунтирилмоқда.

— Яқинда бир ёш оила бошлиғи рафиқасидан ранжиб қабулимга келди, — деди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Эшмуҳаммедова. — Ундан келишмовчиликнинг сабабини сўрасам: «Онамнинг кўнглига йўл топа олмаяпти», дейди. Келин билан гаплашиб кўрдим. Одоби ва хушмуомалалигига ҳавасингиз келади. Қайнона билан суҳбатлашиб, унга бир оиланинг бузилиши аршни ларзага солишини айтсам ҳам муросага келмади.

Комиссия йиғилишида фаоллар оилани сақлаб қолишга ҳарчанд уринмасин, йигит: «Она — битта, онамнинг кўнглини топмас экан, хотиним билан ажрашаман», деб туриб олганди. Шунда фаолларимиздан бири: «Ўғлим, тўғри айтдингиз, онангиз битта. Аммо уйлаб кўрдингизми аёлингизнинг қўлидаги шу жажжи қизчанинг ҳам онаси ягона», деди. Комиссия аъзоларининг ҳаммаси жимиб қолди. Боши хам бўлган йигит мажлисни тарк этди. Онаси эса маҳалла жонкуярларидан узр сўраб, невараси ва келинини ўзи билан олиб кетди.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Одатда кўпчилик инсонлар фақат ўз манфаатларини кўзлаб иш юритиб, ўзгаларнинг тақдири, турмушини эсдан чиқаради. Шу боис баъзан йиғин мутасаддилари ҳам ҳал этиши оғир кечадиган вазиятлар юзага келади. Уларга кўпчилик бўлиб ечим топиш маҳалла фаолларининг аҳиллиноқлигидан далолат.

— Баъзан арзимаган сабабларни деб оиласидан, фарзандларидан юз ўгираётган отага, боласини тирик етим қилишдан қўрқмайдиган онага дуч келаман, — дейди Учтепа тумани бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, комиссия аъзоси Нафиса Қорабоева. — Кексалар: «Бир кун урушжанжал чиққан жойда қирқ кун файз-барака бўлмайди», деб бежиз айтишмайди. Энди, бир уйлаб кўринг, оилавий муносабатларга маҳалла фаоллари аралашувигача етиб келиши учун ўша хонадонларда қанча гина-кудурат ўтган экан?

Ҳа, оиладаги меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат каби инсоний фазилатлар турмуш фаровонлигини таъминловчи омиллардан ҳисобланади. Ана шундай боқий қадриятларни мезон қилган оилаларгина бошқаларга ўрнак бўла олади. Йиғинлар ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзоларининг барча саъй-ҳаракатлари хонадонлардаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш ва намунали оилалар сафини кенгайтиришга қаратилган.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

ЮРТ МАНЗАРАСИ

Қандай сахий, қандай гўзал бағринг бор, Тошкент

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ҳар куни ишдан қайтаётиб Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта опера ва балет театри қаршисидаги фаввора ёнидан ўтаман. Мафтункор фавворанинг гўзаллигидан завқланаман.

Бир гал унга боқиб, хаёл суриб қолдим. Ногаҳон дарахт соясида ўтирган нуроний отахон эътиборимни тортди. У киши ўйинқароқ болажонларни жимгина кузатиб турарди. Ёнига бориб суҳбатлашгим келди. «Нималарни ўйлаяпсиз, ота?» дея сўрадим у кишидан. Шунда у салмоқланиб деди: «Болалик чоғларимда қишлоғимиздан ўтган ариққа сув келмас, келганда ҳам тиниқ бўлмасди. Ака-укаларим, ўртоқларим билан бирга лойқа сувда олам-олам шодликка тўлиб чўмилардик. Мана, мустақиллик фарзандлари зилол сувлардан баҳра олмоқда. Уларнинг кўзида ҳам бизникидек қувонч мужассам. Бироқ бу шодлик, тиниқ сув, фавворалар бахтиёрлик, тинчлик ва жўшқин ҳаёт рамзидир».

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг муқаддас остонаси — Тошкент шаҳри ўзининг қадимий обидалари, замонавий қуприклари, кўркам биноларию рангин фавворалари билан барчани мафтун этади.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни ҳам Тошкент шаҳрида эълон қилинган. Пойтахтимизда кўзни қувонтирувчи кўркам истироҳат боғлари, ҳайвонот боғи, турли хил спорт мажмуалари ва кўплаб савдо марказлари мавжуд.

Бундан ташқари, шаҳримиз халқаро молия марказларидан бири саналади. Бу ерда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки сингари нуфузли молия муассасаларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан пойтахтимизнинг Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга шаҳар сифатида эътироф этилиши қалбимизни фахру ифтихорга тўлдирмоқда. БМТ томонидан Тошкентга «Тинчлик элчиси» шарафли унвонининг берилиши кентимизнинг дунё сиёсати марказларидан бирига айланаётганидан далолатдир.

Шулар ҳақида ўй сурар эканман, беихтиёр фаввора ёнида қўшиқ хиргойи қилаётган ёш қизчанинг жарангдор овози хаёлларимни тўзгитиб юборди:

«Тонгнинг ели олиб келди ёнингга,
Юзим чайдим, чиройингга, ойингга.
Қандай сахий, қандай гўзал бағринг бор,
Меҳринг билан яшнар ҳатто лолазор.
Гўзал Тошкент, қулоғингга гапим бор...»

Истиқболимиз гулгунчасининг хонишини тинглаб, кўнглим янада завққа тўлди! Чиндан ҳам пойтахтимиз тинчлик ва дўстлик шаҳридир. Юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар бу ердаги ўзгаришу бунёдкорликларни кўриб ҳайратланишади. Қисқа вақт ичида барпо этилган муҳташам бинолар, текис ва равон йўллар, сўлим оромгоҳлар, қадриятларимиз акс этган майдонлар, сархил мевалару жиззали нонларга тўла бозорларнинг барча-барчаси қалбимизга ором бағишлайди.

Ҳа, буюк келажак сари қадам ташлаётган мамлакатнинг юраги, жонажон юртимизнинг гўзал пойтахтга ҳар қанча таҳсину олқишлар ярашади.

Моҳларойим ҚАЮМОВА,
Жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей талабаси.

Иссиқдан азият етди

☑ **Японияда кузатилган ўта иссиқ ҳарорат 19 нафар кишининг умрига зомин бўлди.**

Июль ойи бошидан бери иссиқ ургани сабабли 13 минг нафар киши шифохоналарга ётқизилган.

Мамлакатда болаларни кўчага чиқаришда эҳтиёт чоралари кўриш ҳақида кўрсатмалар тарқатилган, дея хабар беради «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги.

Озганга олтин берилади

☑ **Ортиқча вазндан қутилиш саломатлик билан бирга даромад ҳам олиб келаркан.**

Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти аҳолиси семизликка қарши курашиб, мўмайгина пул ишлаб олиши мумкин.

19 июлдан бошлаб Дубай шаҳри ҳокимияти ташаббуси билан ортиқча вазндан халос бўлганларни тақдирлаш акцияси бошланди. Унга кўра, акция рўйхатидан ўтган фуқароларга ҳар бир йўқотилган килограмм учун бир грамм тилла берилади. «Сенинг вазнинг — олтин» акцияси бир ой давом этади. Мукофотга эга бўлиш учун камида икки килограмм озиш керак, юқори чегара эса белгиланмаган.

«Тилсиз ёв» ҳужуми

☑ **АҚШнинг Калифорния штати жанубидаги тоғли ҳудудда йирик ёнғин вужудга келди.**

Маҳаллий ҳукумат офат билан курашишга 2200 нафар ўт ўчирувчини жалб қилди. Ёнғин 32 кв.км.дан зиёд майдонни домига тортган. Кучли шамол унинг кўламини янада кенгайтирмоқда.

Маҳаллий аҳоли ҳодиса рўй берган ҳудуддан эвакуация қилинди.

Овқатдан заҳарланишди

☑ **Ҳиндистоннинг Бихар штатида таомдан заҳарланиш туфайли вафот этган болалар сони 20 нафарга етди.**

Ўқувчилар мактабдан берилган бепул тушликдан заҳарланишган. Вафот этганларнинг аксарияти ўн ёшга етмаган болалардир. Шифохонага ётқизилган жабрдийдаларнинг кўпчилиги оғир аҳволда.

Шифокорлар маълум қилишича, вафот этган болалар организмидан номаълум кимёвий модда топилган.

Штат бош вазири Нитиш Кумар ҳалок бўлган болаларнинг ота-оналарига бадал пули тўлашга буйруқ берди.

Интернет маълумотлари асосида Мурувватхон КАРИМЖОН қизи тайёрлади.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

Мусобақа якунланди

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақасининг Жиззах вилояти босқичи якунланди.

Болаларнинг ёш тоифалари бўйича уч гуруҳда 38 та жамоа иштирокида ўтказилган мусобақалар ёшларнинг катта футбол байрамига айланди.

Жиззах шаҳрининг 9-10 ёшдаги болалар ўртасида «Қипчоқ», 11-12 ёшдаги болалар ўртасида Ҳайдарбек Абдужабборов номидаги маҳалланинг ёш футболчилари ғолиб чиқишди. 13-14 ёшлилар ўртасида биринчи ўринга Бахмал туманидаги «Қатортол» маҳалласи жамоаси сазавор бўлди. Ғолиб жамоалар мусобақанинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Шунингдек, Зарбдор туманининг «Ламмикор» ва «Равот», Ғаллаорол туманининг «Дўстлик», Жиззах туманининг «Хайриобод», Фориш туманининг «Боғдон» маҳаллалари, Дўстлик туманининг Боғзор қишлоғи ёш футболчилари жамоалари ҳам иккинчи ва учинчи ўринлар учун муносиб кураш олиб боришди. Уч кун давом этган мусобақалар кўп сонли томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ушбу мусобақаларда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги қишлоқ ва маҳаллалардан болалар жамоалари иштирок этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг раиси Абдумажид Сатторов. — Мусобақалар барча босқичларда юксак даражада ўтди. Айниқса, вилоят босқичи мусобақалари болалар жамоаларнинг маҳоратлари ўтган йилларга қараганда анча ошганлигини кўрсатди. Бу болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун таълим муассасаларида, маҳаллаларда яхши шарт-шароитлар яратилаётгани натижасидир.

Ҳақиқий футбол байрами сифатида ўтган мусобақада ғолиблар, фаол иштирокчилар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят футбол федерацияси, ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг совринлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

Кучлилар кейинги босқичда

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» стадионида «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларининг вилоят босқичи доирасидаги финал учрашувлари ўтказилди.

13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги мазкур беллашувларда мусобақанинг дастлабки босқичларида муваффақиятли иштирок этган 4 та жамоа республика босқичига бериладиган йўлланма учун кураш олиб борди.

Ярим финалнинг дастлабки учрашувида Самарқанд шаҳридаги Саъдий Шерозий номидаги маҳалла жамоаси Иштихон туманининг «Мингчлар» маҳалласи ёшларидан устун келди. Иккинчи тўқнашувда Тайлоқ тумани шарафини ҳимоя қилган «Пайшанба Сиёб» жамоаси Нарпай туманидаги «Иймон» маҳалласидан келган тенгдошларини мағлубиятга учратди.

Ҳал қилувчи финал учрашувида майдон эгалари — Самарқанд шаҳри вакиллари тайлоқликларни кичик — 1:0 ҳисобида енгиб, кейинги босқичга йўлланма олишди. Учинчи ўрин эса, иштихонлик ёшларга насиб этди.

Шундай қилиб, «Футболимиз келажаги — 2013» мусобақаларининг республика босқичида Самарқанд вилояти шарафини Пастдарғом туманининг «Сазағон» ва «Қорабўйин» жамоаларидан ташқари, Самарқанд шаҳрининг Саъдий Шерозий номидаги маҳалласи жамоаси ҳам ҳимоя қиладиган бўлди.

Холбек ЭЛИБОЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Самарқанд вилояти бўлими етакчи мутахассиси.

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

19100 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7600 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00